

Мушкулкушод ҳақида



19:04 / 06.03.2020 5797

Савол:

Биби Мушкулкушод онамизнинг қиссаларини ўқиш мумкинми? Бугунги кунда буни «ширк» деб айтишмоқда.

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Биби Мушкулкушод» номли қисса шариатимизда йўқ нарса, мумкин эмас. Мушкулни кушод қилувчи, яъни банданинг бошига тушган оғирликни енгил қилувчи, мушкул ишларни кушойиш айловчи Зот Аллоҳ таолонинг Ўзи, холос. Биби Мушкулкушод деган бир шахс одамларнинг мушкулини кушод қиладиган, оғирини енгил қиладиган, қайғусини кетказадиган, бошига тушган мусибатни йўқ қиладиган бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун «Биби Мушкулкушод» деган маросимларни қилиш, у ерда Исломга алоқаси бўлмаган бир қиссани ўқиш одамнинг бошига тушган мушкулни кушойиш айлайди, деб ишониш ҳам аслида ширқдир.

Бошига оғир иш, мушкул тушган мўмин-мусулмон Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ривоятлар асосида Қуръон оятларидан ўқиб, салаватлар айтиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзидан мушкулени осон қилишини сўрамоғи лозим. Бу тўғрида аниқ ва ишончли ривоятлар бор. Саҳобалар розияллоҳу анҳумнинг ҳаётларида ўтган тажрибалар бор. Ана ўшалардан, Қуръон оятларидан, Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган дуолардан ўқиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзидан мушкулени осон бўлишини сўраш энг тўғри йўлдир. Шунинг учун каттаю кичик, ёшу қари опа-сингилларимиз яхши тушуниб, англаб етмоқлари лозимки, бизнинг шариатимизда «Биби Мушкулкушод» номли шахс ёки қисса ёки бошига мушкул тушган одам қиладиган маросим мутлақо йўқ, бу шаръий нарса эмас, балки бошига мушкул тушганда банда Аллоҳ таолонинг Ўзига ёлвориши Қуръон оятларидан ўқиши керак. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзидан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган дуоларни ўқиш, такрорлаш, Аллоҳ таолонинг зикрини қилиш орқали мушкулларининг осон бўлишини сўрашлари лозим.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан